


ТАСДИҚЛАЙМАН
“Электрон ҳукумат” маркази
директорининг ўринбосари

 Ш.Каюмов

2017 йил __ март

**Хўжалик бошқарув органларида ахборот-коммуникация
технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича
ихтисослашган таркибий бўлинмалар раҳбарлари учун ўтказиладиган
хафталик коллегиал семинар йиғилиши
1-СОН БАЁНИ**

2017 йил 14 март

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Насруллаев И.Э. –“Электрон ҳукумат” марказининг
Ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалар фаолиятини
мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи.

Иштирок этганлар: Хўжалик бошқарув органларида ахборот-коммуникация
технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича
ихтисослашган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва
бириктирилган масъул ходимлар, жами 30 та ташкилотдан 35
киши (рўйхат бўйича, 1-илова);
“Электрон ҳукумат” маркази Ихтисослашган таркибий
бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти
ходимлари.

КУН ТАРТИБИ:

1. Хўжалик бошқаруви органларида АКТни жорий этиш ва
ривожлантиришга ихтисослаштирилган махсус бўлинмалар фаолиятининг
асосий йўналишлари;

2. Хўжалик бошқаруви органларида АКТни жорий этиш ва
ривожлантиришда ижобий тажрибалар, мавжуд муаммолар ва уларни
ҳал этиш йўллари таҳлили;

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан “Электрон ҳукумат” марказининг
Ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш
департаменти бошлиғи Икромжон Насруллаев Хўжалик бошқаруви органлари
фаолиятида АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича асосий йўналишлар
ҳақида тақдимот қилди.

Жумладан:

1. АКТ соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди;
2. Ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалар фаолиятида замонавий
ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб
этувчи масалалар бўйича тушунтириш берилди;
3. Хўжалик бошқаруви органларида АКТни ривожлантириш бўйича
қуйида келтирилган масалалар бирламчи эканлиги таъкидлаб ўтилди:
 - АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўлими фаолиятининг ташкилий
жиҳатларини такомиллаштириш;
 - АКТни жорий этиш ва ривожлантириш бўлими кадрлар билан таъминлаш
ва интеллектуал салоҳиятни ошириш;
 - АКТни жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини рейтингли
баҳолаш кўрсаткичини ошириш;
 - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш;
 - давлат ва тармоқ хизматлари, шакл ва бланклари ягона реестрини
шакллантириш;
 - реестрларни электрон шаклга ўтказиш;
 - ихтисослашган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини
яратиш;
 - электрон шаклдаги давлат ва тармоқ хизматларини интерактивлик
даражасини ошириш;
 - очик маълумотлар портали маълумотлар базасини кенгайтириш ва
такомиллаштириш;
 - давлат ва тармоқ хизматлари маъмурий жараёнларини оптималлаштириш;
 - давлат ва тармоқ хизматларини интерактив шаклга ўтказиш;
 - ҳудудий ва тузилмавий ташкилотларда АКТни жорий этиш ва
ривожлантириш;
 - электрон ҳукумат” тизими доирасидаги ахборот тизимлари комплексларини
ишлаб чиқиш ва интеграция қилиш;
 - АКТни жорий этиш қолатини оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Электрон ҳукумат” марказининг
Ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш
департаменти бошлиғи И.Насруллаев юқоридаги умумий масалалар бўйича
мавжуд муаммолар ечими ҳақида тушунтириш олиб борди. Қуйидаги муаммоли
масалалар айтиб ўтилди: айрим ташкилотларда махсус бўлинмалар мавжуд
эмаслиги, махсус бўлинмаларда кадрлар етишмаслиги ва кадрларнинг малакаси
бўйича муаммолар, ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмаларда махсус бўлинма ва
ходимлар етишмовчилиги ва бошқа шу каби муаммолар. Бундан ташқари
ташкилотлардаги АКТни молиялаштириш борасидаги муаммолар муҳокама
қилинди. Ушбу муаммолар бўйича тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар берилди. ШУ
билан бирга ПҚ-2569 бўйича лойиҳаларнинг камчиликлари муҳокама қилинди.

Қўтарилган масалалар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамалар, билдирилган
таклиф, фикр ва мулоҳазалар асосида семинар йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. "Ҳафталик коллегиял семинар" ўтказиш жадвали, муҳокама этиладиган саволлар ва тақдимот ўтказувчи хўжалик органлари рўйхати ҳамда тақдимотларнинг наъмунавий шакли билдирилган фикрларни инobatта олган ҳолда қабул қилинсин;

2. "Ҳафталик коллегиял семинар" дастури бўйича ҳисобот қилувчи вакилларга тақдимотларни белгиланган тақдимот шакли асосида, асосий эътиборни мавжуд муаммоларни ёритишга қаратиш ҳамда регламентга амал қилган ҳолда тақдимот қилишлари тавсия этилсин;

3. Ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказиладиган "Ҳафталик коллегиял семинар"ларда тасдиқланган жадвалга мувофиқ АКТ бўйича ихтисослашган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва масъул ходимлари мунтазам тарзда ва эслатмасиз иштирок этишлари таъминлансин.

Баёни олиб борувчи



Ш.Ш.Эрматов

14.03.2017 й. куни ўтказилган "Ҳафталик коллегиял семинар"да вакиллари иштирок этган хўжалик бошқаруви органлари
РЎЙХАТИ

№	Ташкилотлар
1	Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази
2	А.Навобий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси
3	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати
4	"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ
5	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК
6	"Ўзмонтажмахсуқурилиш" АК
7	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки
8	"Ипотека-банк" АТИБ
9	"Қишлоққурилишбанк" АТБ
10	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
11	Ўзбекистон банклари ассоциацияси
12	"Асака" АТБ
13	АТ Халқ банки
14	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ
15	"Ўзбекинвест" ЭИМСК
16	"Ўзпахтасаноатэкспорт" ХК
17	"Агробанк" АТБ
18	"Ўзвиносаноат-холдинг" ХК
19	"Ўзбеккозиқовқатзахира" уюшмаси
20	"Ўзбекэнерго" АЖ
21	"Ўзкимёсаноат" АЖ
22	"Ўзбекқумир" АЖ
23	Олмалик тоғ-металлургия комбинати
24	Ўзбекистон металлургия комбинати
25	"Ўзбекнефтгаз" МХК
26	"Тошрангметзавод" АЖ
27	"Ўзэлтехсаноат" АЖ
28	"Ўзагротехмаш" АК
29	"Дори-Дармон" АК
30	"Ўзавтойўл" АК

